Mashg‘ulotning texnologik xaritasi

O‘quv bloki	**II. UMUMKASBIY KO‘NIKMALARNI RIVOJLANTIRISH**				
O‘quv modul	**2.3. “O‘quv jarayonini samarali tashkil etish”**				
Mavzu	**2.3.1-mavzu.** Dars kuzatish va tahlil qilish				
Davomiyligi	80 daqiqa				
Mashg‘ulotning maqsadi	Darslarni kuzatish va tahlil qilishda nimalarga e’tibor berish kerakligi, darslarni kuzatish va tahlil qilishning maqsad va vazifalari, dars tahlil qilishning bir necha turlari haqida amaliy va nazariy ma’lumotlar berish				
Mashg‘ulot bosqichlari	**Faoliyat tavsifi**	**Vaqt, daqiqa**	**Metodlar**	**Zarur jihozlar**	**Natija**
1. Tashkiliy qism	- Salomlashish - Mavzu va reja bilan tanishtirish - Mashg‘ulotning dolzarbligini asoslab berish	5	Suhbat, tushuntirish	1-2-slaydlar	O‘qituvchilar mashg‘ulotga tayyor bo‘lishadi.
2. Motivatsiya	“Qarg‘a bilan burgut” haqidagi motivatsion hikoya	15	Mulohaza uchun vaziyat yaratish	3-slayd	O‘qituvchilar mavzuga qiziqadi va ishtirok etishga rag‘batlanadi.
3. Nazariy qism	- Darslarni kuzatish va tahlil qilishdan asosiy maqsad; - Dars kuzatish va tahlil qilish ketma-ketligi; - Dars kuzatishdan chiqarilgan yakuniy	20	Taqdimot, ko‘rgazmali tushuntirish	4-8- slaydlar	Ushbu mashg‘ulot orqali darslarni kuzatish va tahlil qilishda nimalarga e’tibor berish kerakligi, darslarni kuzatish va tahlil qilishning maqsad va vazifalari, dars

	xulosalar, taklif va tavsiyalar;				tahlil qilishning bir necha turlari haqida nazariy va amaliy bilimlarga ega bo'ladilar
4. Amaliy mashg'ulot	- Guruhlarda ishlash: amaliy topshiriqlar bajarish;	15	Guruhlarda ishlash	9-slayd	O'qituvchilar guruhlarda ishlab darslarni tahlil qilishadi, fikr almashishadi
5. Tahlil va muhokama	- Guruhlar ishlari bo'yicha taqdimotlar; - Qiyinchiliklarni muhokama qilish; - Mashg'ulot jarayoni bo'yicha fikr-mulohazalar olish;	10	Suhbat, muhokama, tahlil		O'qituvchilar o'z tajribalarini o'rtoqlashadi va yangi g'oyalarni o'zlashtiradi.
6. Refleksiya	- "Olimpiada" usuli orqali xulosa qilish	5	Refleksiya usullari	10-slayd	O'qituvchilar o'z faoliyatini baholaydi va o'rganilgan ma'lumotlarni qayta ko'rib chiqadi.
7. Yakunlash va baholash	- Mashg'ulot natijalarini umumlashtirish - Kelgusi mashg'ulotlar uchun tavsiyalar berish	5	Suhbat	11-slayd	O'qituvchilar mashg'ulotdan qoniqish bilan chiqadi va yangi maqsadlar bilan yo'naltiriladi.

Ilovalar

1-ilova

- Tinglovchilarga quyidagi ko'rinishdagi savollar bilan murojaat qilinadi (namuna):
- Dars nima maqsadda tahlil qilinadi?
- Dars kuzatuvida ishtirok etganlar o'z fikrlarini bildirishda nimalarga e'tibor qaratishlari lozim

3-ilova

Қайта боғланиш нима?

Инсон ҳаёти давомида доим ўзгалар билан мулоқотга киришиб, атрофдагиларнинг ўзига нисбатан муносабатига таяниб яшайди. Ўз навбатида, ўзи ҳам атрофдагилар ҳақида фикр юритади, уларнинг хатти-ҳаракатларини баҳолайди. Кўпчилик ўзгаларнинг фикрини ўта муҳим ҳисоблайди, бу фикрларни инобатга олиш зарур деб билади.

Муносабат ифодалашнинг ўз тартиб-қоидалари мавжуд бўлиб, бу жараён қайта боғланиш деб юритилади. ***Қайта боғланиш*** – бизнинг хулқимиз ва ҳаракатларимизнинг бошқа кишиларга ўзимиз сезмаган ҳолда таъсир кўрсатиши ҳақида маълумотдир. Бир киши ёки бутун гуруҳ ўзининг бошқа кишиларнинг ҳаракатларига нисбатан реакциясини уларга камчиликларини тузатишда ёрдам бериш мақсадида ифода этиши қайта боғланишга олиб келади.

Қайта боғланиш ҳамда ҳаракатни талқин қилишни ўзаро фарқлаш лозим. Хусусий талқинда, масалан, қуйидагича фикр билдирилади: «Сен, менимча, …ни қиляпсан»; қайта боғланишда эса: «Сен …ни қилганингда, мен …ни ҳис қиляпман». Талқин ҳаракатни талқин қилувчининг қабул қилиш хусусиятларига боғлиқ бўлиши мумкин. Қайта боғланиш эса бир кишининг бошқа бир киши ҳаракатларига нисбатан реакциясини ифода этади.

Қайта боғланишни таъминлаш қоидалари

1. Қайта боғланиш доимий тадбирга айланиши лозим. Жамоанинг умумий фаолиятида қайта боғланишни ташкил этиш – бошқарувнинг таркибий қисмидир. Қайта боғланишдан доимий фойдаланиб, уни жамоанинг ишлаш технологияси таркибига киритинг.

2. Қайта боғланишни қўллаш барча қатнашчилар билан келишилган бўлиши керак. Мажбурий қайта боғланиш қатнашчиларнинг ҳимоя реакциясини кучайтириши мумкин.

3. Қайта боғланиш баҳоловчи эмас, кўпроқ тасвирий йўналишга эга бўлиши лозим. Баҳо берувчи қайта боғланиш ҳимоявий хулқни кучайтиради.

4. Қайта боғланишга умумийликдан кўра кўпроқ хусусийлик (махсус ифода) хос бўлиши лозим. «Сиз етакчилик қилишга мойилсиз» қабилидаги жумлалар фойда келтирмайди. Бу фикрни аниқ (конкрет) мисол орқали ифодалаш мақсадга мувофиқ. Масалан: «Сиз охирги 10 дақиқа давомида ҳеч кимга гап бермай, бошқаларнинг фикрини бўлиб ўтирганингиздан …ни сезган эдим».

5. Қайта боғланиш бирор тадбир ёки вазият тугаши биланоқ ўтказилиши яхши самара беради.

6. Камчиликлар (сизга ёқмаган ҳолатлар) ҳақида гапиришдан олдин ижобий томонларни кўрсатиб ўтинг.

7. Сизга ёқмаган ҳолатлар тўғрисида гапиришдан кўра буни ўзгартириш йўллари хусусида фикр билдириш мақсадга мувофиқдир. Масалан: «Назаримда, агар Сиз бошқаларга ўз фикр-мулоҳазаларини охиригача билдиришлари учун имкон берганингизда эди, учрашувимиз самаралироқ ўтар эди».

8. Қайта боғланишда фақат уни бошлаган кишининг эмас, балки бу тадбир йўналган кишиларнинг эҳтиёжлари ҳамда ишнинг умумий манфаатлари ҳисобга олиниши лозим.

9. Қайта боғланиш уни қабул қилувчининг хулқи ёки бирор ҳаракатини ўзгартириши мумкин бўлган сифатига йўналтирилиши керак. Акс ҳолда, у фойдасиздир.

10. «Мен-хабар» тамойилидан фойдаланинг. Бўлиб ўтган воқеа-ҳодиса шахсан сизга қандай таъсир кўрсатганини ифода этинг. Масалан, “Сен ҳар сафар дарсга кеч қолганингда тинчликмикан деб хавотир оламан”, “Синфда шовқин-сурон кўтарилиб кетса, сизга ёрдам беришга киргим келади” ва ҳ.к. Қайта боғланишни қўллаётганингизда «салбий» новербал реакциялар (таъна қилувчи имо-ишора, бош силкитиш ва ҳ.к.)дан сақланинг.

Фидбек нима?

Фидбек – инглизча “feedback” сўзидан олинган бўлиб, “қайта боғланиш” деган маънони билдиради.

Фидбек қуйидаги мақсадларда қўлланади:

1) бошқа кишига ўзим ҳақимда нима ўйлашим ва ҳис қилишимни билдириш;
2) бошқа кишига у ҳақида нима ўйлашим ва ҳис қилишимни билдириш;

Фидбек - икки киши орасидаги хулқ ва муносабатни тартибга солиш инструментидир.

Фидбек бериш ва олиш қийинчиликлари:

- миллий урф-одатлар;
- муносабат бузилишидан қўрқиш;
- нотўғри тушунишларидан қўрқиш;
- ҳаракат қилишдаги ишончсизлик.

Фидбек дарс таҳлили, бирор ҳолатга муносабат билдиришда қўлланилади. Фидбек бериш ва Фидбек олиш қоидалари мавжуд.

Фидбек беришда:

- ✓ Баҳоламанг, балки изоҳланг (ижобийдан бошланг)
- ✓ Умумий гаплардан қочинг, аниқ нарсага Фидбек беринг
- ✓ Бирор ўзгартириш киритиш таклифингиз бўлсагина фикр билдиринг
- ✓ Фидбек беришдан олдин розилик олинг
- ✓ Фидбек билан воқеа ўртасидаги вақт оз бўлиши керак
- ✓ Ҳаяжон йўқлигига ишонч ҳосил қилинг
- ✓ “Менимча”, “Эҳтимол”, “Менинг назаримда”, “Иложи бўлса” каби иборалардан фойдаланинг
- ✓ Фидбек берилаётган кишига шахсан мурожаат қилинг: “Сизнинг ... менга ёқди”, “Сизнинг ўрнингизда мен бўлганимда, ...” каби.

Фидбек олишда:

- ✓ Ўзингизни оқламанг
- ✓ Фидбек олишга тайёр бўлмасангиз, уни рад қилинг
- ✓ Фидбек якунида миннатдорчилик билдиринг

Агар сен дўстингга у ҳақида ўйлаганларингни тўппа-тўғри, ошкора, ҳатто сира тап тортмай айта олмас экансан, ёинки ундан ўзинг ҳақингда шундай ҳақ гапларни эшитишга қурбинг етмас экан, демак, сизлар бир-бирларингга чинакам ишонмайсизлар, бир-бирларингни тушунмайсизлар ва ҳурмат қилмайсизлар.
И.А.Гончаров

Фидбекни мунтазам қўллаш муносабатларни яхшилаш, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини яратиш, шу орқали таълим самарадорлигини ошириш имконини беради.

Қайта боғланишдан самарали фойдаланиш йўллари

1. “Мен-хабар”дан фойдаланинг.

“Сен-хабар” намунаси	“Мен-хабар” намунаси
“Сен яна кечикдинг, сен доим ҳамма жойга кечикиб борасан, сенга ишониб бўлмайди. Сен бир нарсани гапириб, бутунлай бошқа ишни қиласан. Сен ўта виждонсиз кишисан ва мен сен билан ҳеч қачон ҳеч қандай ишни бирга қилмайман”.	“Мен сени, келишганимиздек, метронинг “Ойбек” бекатида роппа-роса 2 соат кутдим. Келавермаганингдан кейин сендан хавотир олдим. Нимадир бўлди деб ўйладим. Кейин “балки учрашув вақтини унутгандир” деган хаёлга бордим. Бекор кетган вақтимга ачиндим. Энди кейинги сафар 30 дақиқадан ортиқ кутмасликни келишиб оламиз. Агар кечиксак, бир-биримизга қўнғироқ қилиб, огоҳлантириб қўйсак, яхши бўларди.

2. Парафраздан фойдаланинг. Парафраз - суҳбатдошнинг сўзларини қайта ифода этиш орқали аниқлаштириш.

Парафразнинг аҳамияти:

	Сиз учун	Суҳбатдошингиз учун
Имкон беради	• эшитганларингизга нисбатан салбий ҳиссиётларни нейтраллаш; • жавобни кечиктириш – вақтдан ютиш; • хомхаёлга берилмаслик;	• айтилганларни аниқлаштириш ва мисол келтириш; • уни эшитаётганлари ҳақида таассурот олиш; • уни тушунганларига ишонч ҳосил қилиш.

	• эшитганларни мушоҳада қилиш.	
Ёрдам беради	• суҳбатни давом эттириш; • суҳбатдошнинг фикрини мустаҳкамлаш; • айтилганларни аниқлаштириш; • фикрдаги асосий мазмунни ажратиб олиш; • ўзингиз учун муҳимлик даражасига кўра таснифлаш; • суҳбатдошингиз истагини аниқлаш; • узун жумлаларни умумлаштириш ва хулосалаш; • суҳбатдошнинг фикрини аниқлаш.	• ниманидир нотўғри ифодалаганини тан олиш; • айнан сиз тушунган ёки тушунмаётганингизни аниқлаш; • ўз фикрини яхшироқ тушуниш ва ифодалаш; • сиз учун нима муҳимлигини аниқлаш.
Мажбур қилади	• ҳушёр бўлишга; • субъектив баҳолардан қочишга; • ўзининг ҳиссиётини назорат қилишга; • хабар тафсилотини эслаб қолишга.	• битта мавзуда суҳбатлашишга; • тингловчи учун тушунарли гапиришга; • суҳбат мазмунини ҳиссиётдан ажратишга.

3. Тескари боғланишдан ўринли фойдаланинг.

Қуйидагиларни танқид қилинг	Қуйидагиларни танқид қилманг
• хулқ • реал кузатувлар • ғоя билан ўртоқлашаётганда • ҳозир содир бўлаётганларни • чегараланган (аниқ) масалаларни	• шахсларни • ҳаракатларнинг аҳамияти ҳақидаги тахминларни • маслаҳат бера туриб • анча илгари бўлиб ўтганларни • барча нотўғри бажарилган ишларни санаб, кишини чарчатманг

Дарс (тренинг)ни баҳолаш мақсадида қўлланадиган қайта боғланиш усуллари

Дебрифинг

Кўпинча дарс охирида ўқитувчи хулоса чиқариш, уйга вазифа бериш билан кифояланади. Айрим ҳолларда “Дарс сизга ёқдими?” деб сўраши мумкин. Лекин дебрифинг – дарснинг муҳим қисми. Айнан дебрифинг жараёнида бажарилган ишларнинг моҳияти аниқлаштирилади, мақсадга эришганлик даражаси таҳлил қилинади, хулоса қилинади, ўқувчилар билиб олганлари ва яна ўрганишлари лозим бўлган материал орасидаги муносабат ўрнатилади, кейинги ҳаракатлар режаси белгиланади.

Мутахассисларнинг фикрича, машқ қанча вақт эгалласа, дебрифингга ҳам шунча вақт сарфланиши керак.

Дебрифинг босқичлари:

1-босқич: фактларни аниқлаш (Нима содир бўлди?)

2-босқич: сабаблар таҳлили (Нега шундай бўлди?)

3-босқич: ҳаракатларни режалаштириш (Энди нима қиламиз?)

Биринчи босқичда содир бўлган воқеалар қайд этилади, ҳосил бўлган ҳис-туйғулар ошкор этилади, нима содир бўлиши мумкинлиги тўғрисида эмас, ҳақиқатан амалга ошган воқеа ҳақида фикр юритилади.

Иккинчи босқичда воқеани келтириб чиқарган сабаблар таҳлил қилинади, муқобил назариялар муҳокама этилади, мисоллар келтирилади.

Учинчи босқичда кейинги қадамлар аниқлаштирилади.

"Гамбургер"

Қайта боғланишнинг самарали усулларидан бири. Дарс якунида ўқитувчи учун фойдали маълумот олишга ёрдам беради.
Эслатиб ўтамиз: гамбургер (инглизча сўз, ўзбек тилида муқобили йўқ, ҳозир туркча кабоб ёки Doner-kabob ҳам оммалашган) - ичига чўғда пишган/қовурилган гўшт қўйилган нон. Мазали бўлиши учун салат барги, сабзи салати, майонез, кетчуп солинади.
«Гамбургер» усулини қўллаганда ўқитувчи/тренер/бошловчи сўзини қуйидагича бошлаши мумкин:
- Ҳурматли ҳамкасблар/ўқувчилар/иштирокчилар, кўпчилигимиз гамбургер нима эканлигини биламиз, уни севиб истеъмол қиламиз. Айтинг-чи, унинг калория жиҳатидан қимматли қисмини нима ташкил этади? (гўшт). Сиз учун дарс (машғулот) давомида нима қимматли бўлди?
Барча иштирокчилар ўз фикрларини билдирадилар. Кейин ўқитувчи давом этади:
- Гамбургернинг мазасини нима бузди?
- Гамбургерингизда нималар етишмаяпти?
Фикрлар умумлаштирилади, ўқитувчи ҳам ҳамма қатори ўз фикрини билдиради.

“Қиёфалар”

Ҳар бир иштирокчи учта (хурсанд, нейтрал, хафа) қиёфа чизилган карточка олади ва унда ўзининг, гуруҳнинг иштирокини ҳамда дарс (машғулот) мазмунини баҳолайди. Доскага конверт илиб қўйилади. Иштирокчилар баҳолаш варақаларини шу конверт ичига соладилар.

“Олтита шляпа”

Эдвард де Бононинг олтита шляпа методи универсал, масалан, уни жуфтликларда ва кичик гуруҳларда ишлаш жараёнини таҳлил қилишда, педагогик кенгашларда вақтни тежаш учун қўллаш мумкин. Амалда ундан ҳар қандай ижодий жараённи тартибга солиш, мантиқни эмоциядан ажратиб, янги бетакрор ғоялар яратиш учун фойдаланиш мумкин.
Бунда тренер/ўқитувчи 6 хил рангдаги кичик қоғозчалардан иштирокчилар сонига мос равишда шляпачалар ясайди. Бу шляпачалар машғулот бошида кичик гуруҳларга бўлиш учун қўлланиши мумкин. Машғулот якунида ҳар бир гуруҳга ўз рангидаги бошга кийиш мумкин бўлган қоғоз шляпалар тақдим этилади ва муҳокама олиб борилади.
Оқ шляпа: рақам ва фактлар. Ахборот. Саволлар. Содир бўлган воқеа-ҳодисалар, гуруҳ ишини холис қайд (баён) этиш. Қандай ахборотга эгамиз? Яна қайдай ахборот зарур?
Қизил шляпа: эмоциялар кучи. Интуиция, ҳис-туйғулар. Ҳисларни асослаш талаб этилмайди. Таълим жараёнида ўқувчилар (ўқитувчи)да қандай ҳислар туғилди?
Қора шляпа: эҳтиёткорлик. Жараёндаги салбий ҳолатлар. Камчиликлар нималардан иборат? Қандай хатоларга йўл қўйилди?
Сариқ шляпа: афзалликлар. Жараёнда қандай ютуқларга эришилди. Ижобий хулосалар чиқариш. Нима учун бундай қилиш маъқул? Афзалликлари қандай? Нима учун бу амалга ошади?
Зангори шляпа: ижодкорлик. Турли ғоялар. Янги ғоялар. Таклифлар. Ечимнинг турли вариантлари? Қандай муқобиллари мавжуд? Жараённи такомиллаштириш йўллари.
Кўк шляпа: таҳлил, мулоҳаза. Мулоҳаза ҳақида мулоҳаза. Қарор қабул қилиш. Нимага эришдик? Кейин нима қилиш керак?



“Кубчалар”

Бу - қайта боғланишнинг самарали усулларидан бири. Кубчани 15-20 сантиметрли қоғоз/картонлардан ясаш мумкин. Кубчанинг томонларига қуйидаги кўрсатмалар қайд этилади: 1) буни тасвирланг; 2) буни таққосланг; 3) бунинг ўзаро боғланишини кўрсатинг; 4) буни таҳлил қилинг; 5) яхши ва ёмон томонларини далиллар ёрдамида кўрсатинг; 6) буни қўлланг.

Дарс таҳлили жараёнида Фидбекдан фойдаланиш

“Дарс таҳлили – ўқув машғулотини яхлит ва унинг айрим жиҳатларини таҳлил қилиш ва баҳолаш. Педагогик ўқув юртларида талабаларни педагогик маҳоратга ўргатиш воситаси сифатида фойдаланилади. Дарс таҳлилида қуйидаги параметрлар баҳоланади: дарс мақсади ва унга эришиш, ўқув гуруҳи тавсифи, ўқитувчининг синф (гуруҳ) билан мулоқоти, ўқитувчининг нутқи, ўқувчиларнинг нутқи, назорат шакллари ва уларнинг самарадорлиги. Дарс таҳлили талабаларнинг педагогик амалиёти жараёнида фаол қўлланилади”[1].

Анъанавий таҳлил	Фидбек воситасида таҳлил
Дарсни таҳлил қилишдан аввал дарс ўтган ўқитувчининг розилиги сўралмайди, унинг руҳий-эмоционал ҳолати ҳисобга олинмайди.	Дарсни таҳлил қилишдан аввал дарс ўтган ўқитувчининг розилиги сўралади, унинг руҳий-эмоционал ҳолати ҳисобга олинади. Агар ўқитувчи фикр олишга тайёр бўлмаса, таҳлил натижаларини билдириш (Фидбек бериш) маълум муддатга сурилади.
1. Жараён бошқарувчисига сўз берилади. У дарс ўтган ўқитувчини жамоага таништиради (дарсда ва унинг таҳлилида бошқа таълим муассасалари вакиллари қатнашган ҳолда).	1. Жараён бошқарувчисига сўз берилади. У дарс ўтган ўқитувчини жамоага таништиради (дарсда ва унинг таҳлилида бошқа таълим муассасалари вакиллари қатнашган ҳолда).
2. Дарс ўтган ўқитувчи дарс мавзуси, мақсадини эълон қилади, унга эришган ёки эришмаганлигини, сабабларини айтади (яъни ўқитувчи ўзини оқлашга ҳаракат қилади).	2. Дарс ўтган ўқитувчи дарс мавзуси, мақсадини эълон қилади, унга эришган ёки эришмаганлигини айтади (сабаб кўрсатилмайди, ўқитувчи ўзини оқламайди).
-	3. Дарс ўтган ўқитувчи машғулотининг ижобий, ўзига ёққан жиҳатларини айтади. Бунда у “Менга дарсимда ... ёқди” жумласидан фойдаланади.
3. Ҳар бир кузатувчи дарс ўтган ўқитувчига бевосита эмас, балки 3-шахсга мурожаат қилади: “Ўқитувчи дарсни тўғри ташкил қилган, гуруҳларга бўлишнинг самарали усулидан фойдаланган ...”. Дарснинг ижобий жиҳатларини санаш билан бирга, камчилиги ҳам айтиб ўтилади: “Ўқитувчи ўқувчиларни баҳолашда хатога йўл қўйди, дарсликдан кам фойдаланди” ва ҳ.к. Кейинги кузатувчи ҳам худди шу тартибда (аввал ижобий, кейин салбий жиҳатлар) фикр билдиради. Салбий деб	4. Кузатувчилар дарснинг ижобий жиҳатларини, мақсадга эришишга ёрдам берган воситаларни, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ҳаракатларидаги муваффақиятларни санайдилар. Бунда улар дарс ўтган ўқитувчига шахсан мурожаат қилиб, “Малика (ёки Ботир), менга сизнинг (ўқувчиларингизнинг) ... ёқди (маъқул бўлди, мақсадга мувофиқ ҳисоблайман)” жумласидан фойдаланадилар. Фикр билдиришни истаган кузатувчиларнинг барчаси сўз олиши мумкин, такрорларга йўл қўйилмайди.

[1] Азимов Э.Г., Щукин А.Н. Словарь методических терминов (теория и практика преподавания языков). – СПб.: Златоуст, 1999. – 19-20-б.

Анъанавий таҳлил	Фидбек воситасида таҳлил
қаралаётган жиҳатлар аслида бундай бўлмаслиги мумкин деган фикр ўринсиз ҳисобланади.	
-	5. Жараён бошқарувчиси сўз олиб, дарснинг, унинг фикрича, афзалликларини айтади. Кейин яна дарс ўтган ўқитувчига мурожаат қилади: “Малика (Ботир), агар яна бугунги мавзуга яқин мавзуда ёки шу турдаги дарс ўтишингиз керак бўлса, нималарни ўзгартирган бўлардингиз?”
-	6. Дарс ўтган ўқитувчи: “Агар шу дарсни қайтадан ўтганимда, мен ... қилган бўлардим”, “Гуруҳ ишига кам вақт ажратибман. Кейинги сафар буни инобатга оламан” ва ш.к.
-	7. Ҳар бир кузатувчи дарс ўтган ўқитувчига мурожаат қилган ҳолда, уларнинг фикрича камчилик деб топилган ҳолатни тузатиш таклифини берадилар: “Малика (Ботир), агар бугунги дарсни мен ўтганимда, кичик гуруҳларга бўлишда ҳаракатли машқдан эмас, карточкалардан фойдаланган бўлардим”, “Менимча, гуруҳ ишини баҳолашда гуруҳга бир хил баҳо қўйилади, кейинги сафар шунга эътибор берсангиз, мақсадга мувофиқ бўларди” каби.
4. Жараён бошқарувчиси билдирилган фикрларни хулосалаб, ўқитувчини баҳолайди, уни рағбатлантириш ёки жазолашни таклиф қилади.	8. Жараён бошқарувчисининг дарсни такомиллаштириш бўйича (бошқалар айтмаган) фикр-мулоҳазалари, таклифлари мавжуд бўлса, уларни билдиради. Дарс таҳлилининг мақсадига кўра (баҳоловчи, тажриба алмашиш ва ҳ.к.), ўқитувчига миннатдорчилик билдиради ва келгуси ишларида муваффақият тилайди.

Педагогик амалиётда дарс таҳлилининг ҳар хил турларидан фойдаланиш мумкин. Биз дарс таҳлилининг асосий мақсади таҳлил қилувчининг ва дарс ўтувчининг педагогик маҳоратини ошириш, ўқитувчиларнинг рефлектив хулқини шакллантиришга қаратилганлигини назарда тутиб, таҳлил натижаларини ифода этишда Фидбекдан фойдаланишни тавсия этамиз.

Дарс таҳлили жараёнида Фидбекдан фойдаланишнинг афзалликлари:

- ✓ анъанавий дарс таҳлили жараёнида аксар ҳолларда айрим сабабларга кўра (миллий урф-одатлар, “ўзбекчилик”, муносабат бузилишидан қўрқиш, нотўғри тушунишларидан қўрқиш ва дарснинг тузатилиши лозим бўлган кўп жиҳатлари айтилмайди, кўз юмилади; ёки аксинча, “буниси нотўғри, униси хато” дейилади-ку, ҳолатни тузатиш йўли кўрсатилмайди;
- ✓ Фидбек таълим жараёнини такомиллаштиришга, ўқитувчи маҳоратини ошириш, лаёқатини кучайтиришга қаратилади;
- ✓ ўқитувчилар ўртасида эркин фикр алмашиш, муносабат билдириш, бир-биридан ўрганиш ва ўргатишга имкон берадиган дўстона, ижодий муҳитни яратади;
- ✓ мазкур инструментдан фойдаланиш ижтимоий фаол фуқарони, малакали педагог кадрни тайёрлашда кутилган самарани беради.

“OLIMPIADA” refleksiyasi

2-ilova